



**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI**  
**SURXONDARYO VILOYATI HOKIMINING**  
**Q A R O R I**

Termiz shahri, At-Termiziy ko'chasi 1-uy. 190100, tel.: (+99876) 224-00-15, surxon@exat.uz, gov@sdv.uz

2021 -yil "24" fevral

Қ-109 -son

Termiz sh.

**Шеробод тумани "Кўхитанг" массиви худудидан "Худудгаз Сурхондарё" МЧЖга газ тўлдириш пунктларига замонавий электрон ўлчов ва кузатув воситалари ўрнатиш учун ер майдони ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5,87-моддаларига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида" 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон Фармониغا асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2021 йил 12 февралдаги 05-02/90-сон йиғилиш баёни, Шеробод тумани ҳокимининг 2020 йил 16 декабрдаги 01-03/1551-сонли хатини инобатга олиб,

**Қ А Р О Р   Қ И Л А М А Н:**

1. Шеробод тумани "Кўхитанг" массиви худудидан "Худудгаз Сурхондарё" МЧЖга туман ҳокимлиги захира ер фондидан қишлоқ хўжалик харитасининг 1123қ-дала контуридаги 0,15 гектар яйлов ер майдони газ тўлдириш пунктларига замонавий электрон ўлчов ва кузатув воситалари ўрнатиш учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

2. "Худудгаз Сурхондарё" МЧЖ газ тўлдириш пунктларига замонавий электрон ўлчов ва кузатув воситалари ўрнатиш учун ажратилаётган 0,15 гектар яйлов ер майдони учун қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш мақсадида 1 885 707 (бир миллион саккиз юз саксон беш минг етти юз етти) сўм давлат тўлов қоплама қийматини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ғазначилиги Тошкент ХККМ Марказий банкининг х/р: 23402000300100001010 СТИР: 201122919 код: 00014 бюджет ҳисоб рақами 014108609224013450717186)га беш кун муддатда тўлаб берилишини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги Сурхондарё вилоят бошқармаси (М.Абдурахманов)га ажратиб берилган ер майдонидан самарали ва мақсадли фойдаланилишини доимий назорат қилиб бориш ҳамда ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритиш юклатилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр палатаси Сурхондарё вилоят бошқармаси (С.Шаймарданов) ер участкаси чегараларини жойида (натурада) белгилашни амалга оширсин ҳамда ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

5. Вилоят қурилиш бош бошқармаси (К.Эшматов) қонунчиликда белгиланган тартибда қурилиш ишларини лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқлигини мониторинг қилиб борсин.

6. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари А.Суванкулов зиммасига юклансин.

**Вилоят ҳокими**



**Т.Боболов**